

Ушбу сонда:

«Қайта қўнғироқ қилувчи» вирус



Хайдар МУҲАММАД:

«ОМАЛИНГ КЕЛСА ГАР ГАР СЎЗИНГ ҲИҚМАТ ЭРУТ...»

3

5-6

8

ERUSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.khabar.cc.uz

khabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2005-йил, 1-апрел, 13 (654)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ Матбуотда "Курилиш материаллари sanoatida иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

♦ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

♦ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида маълумот узатиш тармоқларининг симсиз радио тизимларини ташкил этиш учун частота йўллари ажратиш, фойдаланиш учун мўлжалланган радиоускуналарни сотиш мақсадида республика ҳудудига олиб кириш, шунингдек, радиочастота спектридан фойдаланиш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

♦ Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" мехмонхонасида "2005-2008 йилларда тўқимачилик sanoatiga сармоялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури"нинг тақдими бўлди.

♦ Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида "Хиросима тинчлик тоши" ёдгорлигининг очилиш маросими ўтказилди. Унда Япониянинг "Хиросима тинчлик тоши" уюшмаси аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Даврий нашрларни тарқатиш масаласи



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши селектор орқали ўтказилди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

Йиғилишда "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида 2006 йилдан бошлаб доимий равишда республика аҳолисини ва бошқа давлатларни Ўзбекистон Республикасининг даврий нашрлари бўлган ахтиёжини қондиришга йўналтирилган стратегик устувор режаларни белгилаш ҳамда амалга ошириш тўғрисида" "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти бош директори Р.Қосимовнинг маърузаси тинланди.

Маърузада таъкидланганидек, республика нашрларига обуна нархларини шакллантириш "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АКнинг жойлардаги филиаллари томонидан хизматнинг таннархидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ даврий нашрларни тарқатиш учун айрим тахрир-ятлар билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, "Тошкент почтамати" филиали асосан ушбу шартномалар ҳамда ўзи ишлаб чиқарган алоҳида обуна каталоги бўйича ишлайди. Айрим нашрларни тарқатилиши "Матбуот тарқатувчи" АК орқали амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мувофиқлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, идора, компания, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, Бош вазир ўринбосари А.АРИПОВ бошқарди.

Кун тартибига Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йилдаги асосий фаолияти режасига оид масалалар киритилди. Унда рақобат муҳитини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида воситаларни стандартлаштириш ва сертификатлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ахборот-коммуникация технологиялари бозориди улушини оширишга қаратил-

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

ган устувор тадбирлар белгиланган.

Бу борада ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, ахборот тизимларини ташкил этиш, Интернетда миллий тармоқни ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш, дастурчиликни тайёрлайдиган миллий мактабни шакллантириш тадбирлари, шунингдек, ҳуқуқат ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларининг мониторингинг ҳам кўзда тутилган.

Йиғилишда вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва ҳўжалик юр-тувчи бирлашмалар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир ишлар мониторингинг бўйича таҳлилий материаллар муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация техно-

"Алоқа хизматларининг умумий ҳажми 2003 йилга нисбатан 1,3 марта кўпайди. Алоқа хизматларининг умумий ҳажмида аҳолига кўрсатилган хизматлар 45,8 фоизга етди. Ушбу алоқа хизматидан фойдаланувчилар сонини 75,5 фоиз кўпайди (аҳоли орасида 87,3 фоиз) ва 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 571,6 минг абонентни ташкил этди. Уларнинг 491,6 мингтаси жисмоний шахслардир. Ушбу алоқа хизматидан тушган даромад микдори 2003 йилга нисбатан 1,5 марта ўсди."

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилдаги асосий яқунлари тўғрисидаги ҳисоботдан.

логияларини татбиқ этиш бора-сида сусткашликка йўл қўйган қатор давлат идоралари иши танқидий баҳоланди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазирлик ва идораларга қисқа муддатда компютерлаштиришни янада ривожлантириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир ҳуқуқат қарорларини бажариш бўйича шошилинч чораларни кўриш топширилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Саноконттехназорат" давлат инспекцияси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил, 6 июн-

даги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш ҳақидаги ҳисоботи тинланди. Уларга замонавий ахборот ресурслари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ишларини кўчайтириш тавсия этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Рақамли ривожланиш ташаббуси" дастури фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Даврий нашрларни тарқатиш масаласи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ обунани бевосита тахририятлар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириши натижасида, обунанинг 2005 йил, 1 январь ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 82 фоизга ошганлиги маълум бўлди.

Хорижий даврий нашрларни тарқатиш асосан "BTL", "Календар", "Интер-пресс", "Конди-пресс", "Вақтли матбуот нашрлари", "Международная пресса даврий нашрлари" каби тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда.

"Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиаллари орқали уюштирилган обуна бўйича тарқатиладиган республика, вилоят ва туман газеталари умумий ҳажмининг 84 фоизини "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ташкилотлари етказиб беради.

Истеъмолчиларнинг республика ва хорижий даврий нашрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларни республика ҳудудида тарқатиш фаолиятининг стратегик йўналишларини аниқлаш ва амалга ошириш мақсадида Агентликда 2006 йил учун оммавий даврий нашрларга обунани ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиш ва таклифлар киритиш ҳам маърузада айтиб ўтилди.

"Телекоммуникация тармоқларида линия-кабел хўжаликларини меъёрий даражага келтириш мақсадида мақсадли маблағ



манбаларини ажратиш тўғрисида" "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймоновнинг маърузаси тингланди.

Маърузада айтилишича, "Ўзбектелеком" АК таркибидagi электралоқа корхоналарида кўрсатилмаётган алоқа хизматларининг сифати ва ҳажмини ошириш бевосита линия-кабел хўжалиги сифатига боғлиқ бўлиб, ҳаво ва алоқа линиялари, ер ости алоқа иншоотлари, каналлар ташкил қилувчи узатиш тизими ускуналарининг техник меъёрий даражада ишлашини талаб қилади. Ҳозирги кунда мазкур тизимлар ускуналарининг бир қисми белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлганлиги боис техник меъёр даражасида эмас ва уларнинг таъмирланиши катта маблағ талаб қилади. Компания линия-кабел хўжаликларини таъмирлашга ҳамда бўш сизимларни ишга

туширишга кетадиган сарф-харажатларни молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда бизнес режа асосида амалга ошириб келаётир.

Маърузачи бу масала бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ва таклифлар хусусида сўз юрүтди.

Шунингдек, йиғилишда "2004 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2003-2005 йилларга тузилган тармоқ келишувининг бажарилиши ҳақида" Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов сўзга чиқди.

Маърузада таъкидланишича, 2005 йил, 1 январь ҳолатига кўра, соҳада тўртта Келишув ва 15бта Жамоа шартномаси амал қилмоқда. Ходимларни жамоа-шартномавий муносабатлар билан

HA'YAT YIG'ILISHIDA



камраш даражаси 99,9 фоизни ташкил этади. Шартномаларда ходимлар учун ўзаро меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган деярли барча масалалар бўйича ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Келишув ва Жамоа шартномалари аҳамиятининг ортиши иш берувчи ҳамда қасаба уюшма органларидан қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга янада масъулия билан ёндашишни талаб этади. Ушбу йўналишда соҳада маълум ишлар олиб борилди.

Маърузачи, шунингдек, Келишув ва Жамоа шартномалари талаблари барча корхона ҳамда ташкилотларда тўлиқ бажарилмаганлиги ва бошқа масалалар хусусида ҳам гапирди.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иzzат АХМЕДОВ

Наврўзнинг завқи ўзгача...

Кўнгилларга олам-олам шодлик улашадиган Наврўз байрами Тошкент алоқа қасб-хунар коллежимизда ҳам тантанали нишонланди.

Дастлаб катта дошқозонларда сумалак пиширилди. Ушбу тансиқ таомни тайёрлашда устоз ўқитувчилардан тортиб, барча талаба-ёшлар фаол қатнашишди.

Шу кунги коллеж спорт залида Наврўзга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни коллеж директори Саидмаҳмуд Акбаров очиб, ҳаммани Наврўзи олам билан кутлади. Шундан сўнг талаба-ёшлар ўзлари тайёрлаган байрам дастурларини намойиш этишди. Айниқса Автоматик электралоқа гуруҳи талабаларининг чиқишлари алоҳида ажралиб турди. Спорт майдонларида эса баскетбол, футбол каби спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Сўнгра карнай-сурнай садолари остида меҳмонлар, ўқитувчи-мураббийлар, талабалар байрам дастурхонига таклиф этилди.

Хуллас, шу кунги барчамиз Наврўзнинг завқи-ю шавқини чин дилдан ҳис қилдик.

Муҳиддин СОЛИЕВ,
коллежнинг 2-босқич талабаси

Ҳиндистон ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), компютер дастурлари яратиш ва экспорт қилиш ҳамда АКТ соҳасида малакали мутахассислар етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туради. Ушбу мамлакат илмий-техник салоҳиятига кўра, дунёнинг кучли учлигига кирган. Жорий йилда Ҳиндистоннинг дастур таъминоти экспор-

ти 35 миллиард АҚШ доллари (ялпи ички маҳсулотнинг 5-7 фоизи)дан ошиши кутилмоқда. Айни пайтда бу йўналишда мамлакатда турли компанияларнинг 300 мингдан ортиқ мутахассиси иш олиб бормоқда. 2007 йилдан Ҳиндистон ахборот технологиялари бўйича йилга 200 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлашни йўлга қўйишни режалаштирган.

Муносабатларда янги саҳифа



Ўзбекистон бошқа соҳалар каторида АКТ бўйича ҳам Ҳиндистон билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Жумладан, 2004 йилнинг 29 октябрида Дехли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида "Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказини очиб тўғрисида" Меморандум имзоланган ва ҳамкорликнинг янги саҳифаси очилган эди. Жорий йилнинг 28 март кунги Тошкент ахборот технологиялари универ-

ситетида ушбу марказни очил-га қаратилган тайёргарликнинг бориши ҳақида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда қатнашган Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчиси Шарат Сапхарвал, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Алишер Хўжаев, ТАТУ ректори Содик Қосимов ҳамда мазкур лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган соҳа мутахассислари сўзга чиқишиб, журналистлар-

ни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Марказни ишга туширишга доир бир қатор амалиётлар, жумладан, барча зарур техник воситаларни келтириш, мамлакатимизда Ҳиндистонлик соҳа билимдонлари маърузаларини ташкиллаштириш, шунингдек, юртимиз мутахассисларининг Ҳиндистоннинг нуфузли ўқув даргоҳларида малака оширишларини таъминлаш каби вазифаларни ҳамкорларимиз зиммаларига олишган. Шарат Сапхарвалнинг сўзларига қараганда, шу мақсадлар учун улар 700 минг АҚШ доллари сарфлашлари кўзда тутилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон тарафи ташкилий масалаларни йўлга қўйиб, Марказни барча коммуникация воситаларига эга бино ҳамда ўқув хоналари билан таъминлайди.

Ахборот технологиялари марказига асос солишда Ўзбекистон Ҳукумати номидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бевосита Тошкент ахборот технологиялари уни-



верситети орқали, Ҳиндистон Ҳукумати номидан эса Илғор ҳисоблаш технологиялари маркази (Center for Development of Advanced Computing — C-DAC) иштирок этади.

Марказ ишга тушгач, компютерларнинг дастурий таъминоти соҳасида, шунингдек, давлат муассасаларида ишловчиларнинг ахборот технологиялари борасидаги кўникмаларини оширишга қаратилган қисқа муддатли тренинглар мунтазам равишда ўтказиб борилади. Юртимиздаги турли олий ўқув юр்தларининг ахборот технологиялари соҳасига ихтисослашган педагог кадрлари ва талабаларининг маҳоратларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда уларга энг замонавий бил-диллар бериш йўлга қўйилади. Амалга оширилиши мўлжаллан-

ган лойиҳаларни яхлит қамраб олган ҳолда, яъни бирон-бир қурилмани режалаштиришдан тортиб, мижозлар хоҳишига кўра мувофиқлаштириш, ишга тушириб, хизматлар кўрсатиш-гач бўлган жараён устида ишлаш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Марказ маълумотлар базасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқариш, веб-дизайн, Интернет-технологияларига оид лойиҳаларни ривожлантириш ишларини олиб боради.

Айни дамда Ахборот технологиялари марказини ишга тушириш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўқув курсларининг йўналишлари, муддатлари ва мавзулари белгилаб олинган.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" муҳбири

HAMKORLIK UFQLARI

Сўнги вақтларда оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидаги сайтларда алоқа корхоналарининг ўз абонентларига улар қилмаган шахарлараро ва халқаро кўнгироқлар учун "даҳшатли" миқдордаги пуллари тўлашга ҳисоб варақалар тақдим этётганликлари тўғрисидаги хабарлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Бу муаммо Тошкент шаҳри аҳолисини ҳам четлаб ўтмаган.

на кўринган экран безаклари, масалан, Internet Explorer ва ҳоказоларни созловчи дастур (plugins)ларни ҳам киритса бўлади. Бундай вақтда компютерингизга ўрнатилган ҳар қандай антивирус химёа дастури сизга ёрдам бера олмайд!

Абонент IP-телефониянинг турли сайтлари ёрдамида бепул халқаро кўнгироқлар қилиши натижа-сида ҳам ушбу вирусларга дуч келиши мумкин.

Нима қилмоқ керак?
Сиз халқаро ва шахарлараро рақамлар билан рўхсат этилмаган уланишлардан ўзингизни эҳтиёт


«Қайта кўнгироқ қилувчи» вирус

ёхуд Емаган сомсага пул тўлаш

Юкоридагига ўхшаш ҳолатлар юзасидан бир неча бор хизмат текширувлари ўтказилди. Махаллий алоқа операторларининг тарифлаш ва биллинг тизимлари текширилганда, ҳақиқатан ҳам абонент телефон рақамидан номаълум халқаро кўнгироқлар амалга оширилганлиги аниқланди. Шўрлик абонент: «Ахир, мен у ерга кўнгироқ қилмаган эдим-ку!», дея таажжубга тушмоқда. Шунга ўхшаш муаммоларга дучор бўлган, халқаро ва шахарлараро кўнгироқлар қилишда «ай-бланаётган» бошқа абонентлар ҳам «...Биз ҳатто ер юзида шундай жой борлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз!», дейишмоқда. Бўлмаса гап нимада?

Гап шундаки, ушбу абонентларнинг барчаси Интернет тармоғидан фойдаланганлар ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган халқаро йўналишлар бўйича кўнгироқлар улар ишлаган вақтда ёки ишни тугатгандан сўнг ўчириши ёдидан кўтарилган модем орқали амалга оширилган бўрилган. Натижада, абонентлар Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланган бўлиб чикмоқда. Ҳўш, бу қандай содир бўлмоқда? Абонент ҳаёлига ҳам келтирмаган, етти ухлаб тушича қирмаган телефон рақамини тершига моденини нима ёки ким мажбур қилмоқда?

Бутунжаҳон Интернет тармоғи (www...) фақатгина ахборот эмас, балки турли вируслар — зиён етказувчи дастурлар манбаи ҳамдир. Алоқа оператори ўз абонентларини зарарланмиш қандай тарзда рўй бериши тўғрисида фақат хабардор қилиши мумкин, лекин унинг олдини ололмайди. Бундай ҳолларда янги турдаги, яъни «қайта кўнгироқ қилувчи вирус» ўзининг «хунарини» кўрсатади. Бу вирус Интернет билан ишлаш ҳараёнида абонент компютерларига билдирмасдан кириб оладиган дастур иловасидир. «Қайта кўнгироқ қилувчи» вирус компютерга кириб олган, узоклаштирилган кириш функцияси бошқарувини ўз қўлига олади ҳамда халқаро ёки шахарлараро боғланишларни автоматик тарзда ташкиллаштиради. Қарабсизки, бундан беҳабар компютер эгасига амалга оширилган халқаро ёки шахарлараро боғланишлар юзасидан катта миқдордаги тўлов қоғозлари келиб



турибди. Чунки, алоқа корхоналари кўнгироқлар қандай ҳолатда амалга оширилишидан қатъи назар (телефон ёки факс аппарата-даними, кўлда ёки автомат равиш-да модемдан териладим) боғланишларни ташминлайди.

Кўплаб зиён етказувчи дастурлар тахрибсиз фойдаланувчиларнинг шошлиндида монитор экранда милтиллаб кўринаётган инглиз тилидаги турли ёзувларни ўқимасдан, дарҳол «OK» тугмасини симини сўғуриб, узиб қўйишни унутманг!

Баъзи кўнгироқчи-вируслар вирусга қарши импорт дастурлар ёрдамида аниқланади. Бундай дастурларни ўрнатиш, уларни мунтазам янгилаб бориш ва ишга тушириши ҳеч ҳам унутманг! Шундай қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Ўзингизга хизмат кўрсатувчи телефон боғламасининг абонентлик бўлимига мурожаат қилиб, ўзингизга «Қиқувчи алоқанинг айрим, айнан халқаро ва шахарлараро турларини тақиқлаш» хизматини кўрсатиш юзасидан бюорт-ма беринг!

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Агар маслаҳатимизга амал қилсангиз, емаган сомсага пул тўла-майсиз, қайбятингиз ҳам бу-зилмайди.

Рита КИМ,
Давлат алоқа инспекцияси
Ахборот-коммуникация
технологиялари
бўлими бошлиғи

ALOQA OLAMIDA

РАҚАМЛИ КИНОТЕАТРЛАР



Ирландия рақамли кинотеатрларнинг ягона тармоғига эга биринчи мамлакат бўлади. PC World тарқатган хабарда айнан шундай дейилган. Филмларни рақамли ҳажмда кўрсатиш тизимларини Американинг Avica Technology компанияси бўлинмаси — Avica Europe етказиб беради. Компания тармоқни кенгайтириш мақсадида Ирландия Республикасида 515та замонавий тизим ўрнатади. Лойиханинг умумий қиймати 55 миллион АКШ доллариди баҳоланмоқда.

Намоиш этиш кўзда тутилган филмларни кинотеатрларнинг ўзи танлайди. Маълумотлар базасига контент (контент — ахборот тизимини ихтиёрий мазмундаги ахборот — матн, графика, мультимедиа билан тўлдиришни юклаш сунъий йўлдош орқали амалга оширилади).

Контент Digital Cinema Initiatives (Walt Disney, Fox Entertainment Group, Metro-Goldwyn Mayer, Paramount Pictures Entertainment, Universal Studios ҳамда Warner Bros. Entertainment кинокомпанияларининг ҳамкорликдаги корхонаси) компаниясида тайёрланган кўп босқичли кодлама тизими воситасида ҳимояланади.

Лойиха ташаббускорлари рақамли кинотеатрлар тармоғи узоғи билан икки йил ичида тўлиқ ишга тушишини маълум қилишган. Айни пайтда Ирландиядаги 25 кинотеатрга керакли жиҳозлар ўрнатиб бўлинган ва улар ишга тушишга тайёр.

Avica Technology вакиллари жорий йилнинг май ойида Канн (Франция)да ўтказилган 58-кинофестивал пайтида яна бир қатор Европа давлатлари билан шартномалар имзолашни режалаштиришган.

«МОБИЛ АДАБИЁТ»

Японияда уяли телефон орқали бадиий асарлар, масалан, романларни ўқиш мумкин. Canadian Press агентлиги маълум қилишича, «мобил адабиёт» илҳосмандлари сони тобора ошиб бормоқда. Кунчиқар мамлакатда мижозларга бир йўла 150тагача «мобил роман» жўната оладиган кўплаб сайтлар мавжуд. Бу сайтлардан 50 миңдан ортиқ обуначи фойдаланади. Уқувчилар уяли телефондаги асарнинг бор-йўғи бир нечта қатори сизгадиган кичик дисплейга аллақачон кўничи бўлишган, чунки ҳар қандай шароитда ҳам мумкин бўлган мўлаа имконияти бошқа нуқулалликларни четга сўриб қўяди.

«Мобил романлар» ёш ёзувчиларнинг танилиши учун ҳам қулай воситадир. SMS орқали уқувчиларга «Кучли муҳаббат» романини жўнатган япон ёзувчиси Ёси билан содир бўлган воқеа бунга яққол мисол бўла олади. Бу асар юзга келтирган шов-шув ёзувчининг машҳур қилиб юборди ва роман наشريётлар томонидан 2,6 миллион нусхада босиб чиқарилиди.

Хитой ва Жанубий Кореяда ҳам япон тахрибаси қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Random House наشريёти мобил телефонлар орқали битирув имтиҳонларини топширишга тайёрлашга доир хизмат кўрсатувчи VOCEL компанияси акциялар пакетини сотиб олган. Бу эса наشريёт яқин орада АКШ ҳудуди бўйлаб «мобил асарлар» тарқатиши бошлашидан далолат беради.



СПАМГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ



Тармоқ хавфсизлиги масалалари билан шугулланувчи компанияларнинг шохидлик беришлари, электрон почтадан фойдаланувчилар ҳам спам (спам — рекламанинг электрон почта орқали бериш) оммавий равишда жўнатишларнинг тарқалишига сабабчи бўлишаркан: электрон почта эгаларининг учдан бир қисми шахсий ахборотларни ўғирлайдиган ҳар хил «троян отлари» ва вирусларни «юқтириш» хавфи мавжудлигига қарамасдан спам жўнатмаларидан фойдаланишган.

Спамер хатига жавоб қайтариш кейинги гал унинг 100 мартаба кўпроқ хужу қилишдан далолат беради.

Электрон почтадан фойдаланувчиларнинг 10 фоизи спам орқали реклама қилинган махсулотларни хабар қилишгани спамларнинг «саъй-ҳаракатлари» бежиз эмаслигини кўрсатмоқда. Спам жўнатиш катта маблағ талаб қилмайди, самардорлиги эса қафдағидек намёён.

Мутахассислар спамерликка қарши қўлланиладиган воситалар (филтрлар) муаммони ечишигн бир қисми холос, энг асосий масала е-майдан фойдаланувчиларнинг ўзига, дейишмоқда. BBC News ш урнда «Sophos» антивирус компанияси техник маслаҳатчиси Грэм Клуининг қўйидаги сўзларини келтирган: «Агарда ҳеч ким спамларга жавоб қайтармаганида ва унда реклама қилинган махсулотларни сотиб олмаганида аллақачон спамларга барҳам берилган бўларди.»

Интернет материаллари асосида тайёрланди

ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Ўзбектелеком» АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил, 27 апрел, соат 17⁰⁰да Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 7/8-уй, «DEDEMAN Silk Road» меҳмонхонасида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбектелеком» АКнинг Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни-нинг 57-моддасига мувофиқ, акциядорлар реестри 2005 йил, 28 март ҳолатига ёзилган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 16⁰⁰да бошланади.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари лозим.

Акциядорлар вакилларидан ишончнома ва паспорт талаб қилинади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби ҳужжатлари билан Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй — «Ўзбектелеком» АК биносидида танишиш мумкин.

«Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши

Мурожаат учун телефонлар: 134-96-30, 139-23-78, 139-23-55.

Можно ли заранее предсказывать цены на нефть? Вряд ли. Об этом свидетельствует вторая волна энергетического кризиса, который проявился сейчас в резком повышении цен на нефть. Ибо, пять лет назад цены на нефть были в четыре раза ниже, чем сейчас, а тридцать лет назад – почти в два раза выше.

Нефть сейчас сильно подорожала потому, что экономика Индии и Китая стала развиваться очень быстро и выступать как один из крупных источников спроса. Страны, которые добывают нефть, стали производить её в относительно меньших объемах, и это тоже оказало свое отрицательное воздействие. Причина – война в Ираке, политическая нестабильность в таких нефтеносных странах, как Саудовская Аравия, Нигерия и Венесуэла.

Повышение цен на нефть, на первый взгляд, хорошо для стран – экспортеров, в частности, для России, поскольку их бюджет почти в половинном размере состоит из потоков нефтедолларов, которого хватает и на повышение зарплат бюджетникам, и на перевооружение армии. А для Америки высокие цены на нефть это бич, поскольку половину всего мирового объема производства нефти пожирает её промышленность и автомобильный парк. К тому же население, несмотря на автомобильные пробы, обожает повсюду ездить на машинах и в то же время не хочет дорого платить за бензин. А в России, на счастие её руководящих политиков, население больше ездит в автобусах и гораздо меньше на собственных машинах, хотя платит за литр бензина столько же.

Резкие повышения цен происходили и раньше. Самый известный – это 1973 год, когда один баррель нефти стоил 3 доллара. Тогда страны-экспортеры, сговорившись, подняли цены более чем в 3 раза. В

Нефтяная политика



результате ажиотажа на мировом рынке цены на нефть подскочили аж в 11-12 раз. 1973 год вошел тогда в историю, как год всемирного энергетического кризиса. В первый же момент этого беспрецедентного акта показало, что развитие страны, большинство из которых не имеет собственной нефти, обречены. Именно тогда госсекретарь США Генри Киссинджер, видя в этом угрозу для западных стран, стал призывать их руководителей пойти войной против арабских стран. Именно тогда появился термин «стагфляция», то есть инфляция вместе с безработицей. Но это тяжелое положение продолжалось совсем недолго. Прошло немного времени и запад быстро наладил новые энергосберегающие технологии.

Таким образом, те страны, в которых нефти не было, за тридцать лет не только не отстали, но и далеко ушли от стран-экспортеров нефти.

Многие нефтедобывающие страны, как Саудовская Аравия,

ЭКОНОМИКА И ЦЕНЫ

Та же участь постигла и бывший СССР. Но его экономика вышла из шокового состояния лишь после того, как были открыты новые крупные месторождения нефти в Западной Сибири (Нефтеюганск, Нижневар-

товск, Сургут). Однако средства, которые намечалось направить на развитие сельского хозяйства (600 млрд. руб.), были вложены на разработку этих месторождений. Это приостановило и в итоге похоронило так называемые косыгинские реформы, начатые в середине 60-х годов. Тогда стали говорить, зачем, мол, дереформировать сельское хозяйство, если можно закупать зерно в Канаде на деньги, полученные от продажи нефти. А когда в начале 80-х годов цены на нефть резко упали, то страна столкнулась с очень серьезными проблемами.

В итоге, после пройденного пика повышения цен на нефть, те страны, которые ее импортировали, не только не пострадали, а напротив, выиграли за счет вынужденного развития новых энергосберегающих технологий. А Россия стала на распутье: то ли повторить пройденный путь стран – экспортеров, то ли повернуть назад к жесткому центру, то есть к пятилетнему плану и постоянному дефициту.

Словом, вторая волна энергетического кризиса, связанного с повышением цен на нефть, ставит немало проблем и перед нефтедобывающими странами, и перед странами-импортерами нефти. Для их успешного разрешения требуется немало обоюдных усилий.

Шер МУСЛИМОВ

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Спутник для мобильной связи

Новый спутник четвертого поколения для мобильной связи был успешно запущен с космодрома во Флориде.

Шеститонный спутник стал самым большим аппаратом в своем роде. Он поможет улучшить связь на территории Китая. Спутник обеспечит передачу изображений, коротких сообщений и проведение телефонных конференций.

Четвертое поколение спутниковой системы состоит из трех спутников, при этом их сигнал покрывает всю поверхность земного шара. Второй и третий спутники будут запущены позднее в этом году.

Молдавия:

Число абонентов увеличилось на 67,6%

В Молдавии в 2004 г. число абонентов двух действующих операторов мобильной сотовой связи в стандарте GSM – компаний Voxtel и Moldcell – увеличилось в сравнении с 2003 г. на 67,6% – с 470 тыс. до 787 тыс. человек, сообщила РБК в Национальном молдавском агентстве по регламентированию в области электросвязи и информатики. Там уточнили, что в минувшем году Voxtel подключил к своей сети 166,8 тыс. новых абонентов, а Moldcell – 150,7 тыс. В результате плотность мобильной связи в Молдавии в расчете на 100 жителей возросла на 8,8%, достигнув 21,81%.

Узбекистан:

Акции Unitel проданы

Завершена сделка по продаже Daewoo International Corporation акций узбекского сотового оператора Unitel голландской компании Silkway Holding B.V. Об этом сообщается в заявлении Unitel.

Председателем совета директоров Unitel назначен Манасис Никос, представляющий греческую компанию Germanos, участвующую в сделке.

Как ранее сообщил ПРАЙМТАСС, в сентябре 2004 г. голландская Silkway Holding при участии греческой Germanos приобрели 100 процентов акций южнокорейской Daewoo Central Paging Co. (торговая марка Daewoo Unitel) – второго по численности абонентов сотового оператора на рынке Узбекистана за 73,5 млн. долл. Продажа сотовой компании осуществлена Daewoo International Corp. в целях избавления от непрофильных активов.

Daewoo Unitel – компания со 100-процентным капиталом Daewoo International Corp. – была создана в 1996 г. с уставным фондом 6 млн. долл. В сентябре 1997 г. она приступила к коммерческой деятельности в стандарте GSM-900/1800. К моменту заключения договора о продаже общий объем инвестиций компании в развитие сети сотовой связи в Узбекистане составил около 65 млн. долл.

Daewoo Unitel занимает второе место по числу абонентов (около 90 тыс. пользователей по состоянию на сентябрь 2004 г.) и по уровню доходов после Uzdurobita – компании – лидера на рынке сотовой связи Узбекистана, 74 проц. акций которой принадлежат российскому ОАО «Мобильные ТелеСистемы» (МТС).

По материалам Интернет

США:

Программисты без работы

По данным Бюро Статистики Труда США Bureau of Labor Statistics, работники сферы информационных технологий все более рискуют потерять работу. За период с 2000 по 2004 год число занятых в США программистов сократилось на более чем 24%. На 23% уменьшилось число занятых инженеров, действующих в сфере электроники и электротехники. Было сокращено также 16% рабочих мест системных аналитиков и ученых, занимающихся в компьютерной сфере.

В то же время, на 48% выросла занятость среди менеджеров компьютерных и информационных систем, на 16% – компьютерных инженеров, занятых в сфере hardware («компьютерное железо») и на 10% – занятость среди инженеров в сфере software (управление компьютерными программами). Главной причиной этого стало выведение многих компьютерных подразделений американских компаний за пределы США и использование труда иностранных программистов, сообщает Washington ProFile.

Германия:

Покупка с помощью пальца

Немецкий супермаркет Edeka намерен предложить своим покупателям новый способ оплаты покупок, сообщает Ananova. Теперь оплатить товары можно будет проведя пальцем по специальному сканеру. При этом требуемая сумма будет автоматически списываться с банковского счета покупателя.

Для того чтобы воспользоваться данной



услугой, необходимо зарегистрироваться в системе Edeka и занести параметры отпечатков пальцев.

По словам изобретателя системы Ульриха Киппера (Ulrich Kirper), данная процедура безопасна, оригинальный отпечаток не может быть воспроизведен. Подобная система будет тестироваться в местечке Рувельдгейм (Ruelzheim) вблизи с бельгийской границей. Если она окажется успешной, ее внедрение начнут и в других областях.

Таиланд:

Потерял ногу и пальцы из-за взрыва мобильного

Житель Таиланда, потерявший правую ногу и все пальцы левой после взрыва мобильного телефона Nokia, требует от финской компании выплатить ему миллион бат в качестве возмещения ущерба.

50-летний Прасит Срисилуанг (Prasit Sriseluang) работал возле высоковольтной линии, держа телефон в кармане рубашки. Взрыв произошел после того, как на трубку кто-то позвонил. Общественные обвинители считают, что отвечать за инвалидность таиландца должна Nokia Thailand, поскольку аппарат содержал неисправные

ЭТО ИНТЕРЕСНО

компоненты.

Представитель тайландского филиала Nokia утверждает, что компания ни в чем не виновата, а причиной взрыва стали контрафактные аккумуляторы. Именно они становятся причиной взрывов и перегревов. В декабре Nokia начала кампанию по борьбе с батареями сторонних производителей, помечая свои голографической наклейкой. Это, по утверждению одного из руководителей финского сотового гиганта, «непосредственно ударяет по контрафактникам, производящим потенциально небезопасные батареи», сообщила тайландская газета The Nation.

Великобритания:

Несостоявшееся похищение

Как сообщает ВВС, лондонская полиция предотвратила ограбление банка, которое могло стать одним из крупнейших в истории Великобритании. Злоумышленники намеревались похитить 220 млн. фунтов стерлингов (\$423 млн.) из лондонского отделения японского банка Sumitomo. Власти полагают, что компьютерные эксперты пытались проникнуть в компьютерную систему банка и перевести деньги электронным способом.

Заговор был раскрыт отделением британской полиции, занимающимся преступлениями в области высоких технологий, после чего в Израиле был арестован один из подозреваемых, который пытался перевести 13,9 млн. фунтов стерлингов на счет, открытый в этой стране.

Ему предъявлены обвинения в отмывании средств и мошенничестве, однако полиция утверждает, что расследование еще не окончено.

Абаар

20.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
20.30 Премьера "Кажуе".

11.20 Многосерийный фильм "Ашле". 2-я серия.
12.20 Детектив "Петля".

20.30 Приключенческий фильм "Гибель империи".
21.40 "Человек и закон".

"Семидесять мгновенный весты".
10.10 "Что хочет женщина".
Ток-шоу.

малыши".
17.55 Мелодрама "Всегда говори всегда".

8.05 Серия "СКОРАЯ ПОМОЩЬ".
9.00 "СЕГОДНЯ".

15.20 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО".
16.30 Серия "МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ".

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро".
8.00 Новости.
8.05 Приключенческий фильм "Гибель империи".

17.00 Вечерние новости (с субтитрами).
17.10 Криминальная Россия.

5:45 Мелодрама "Всегда говори всегда".
6:45 "От любви до ненависти".

17.00 ВЕСТИ.
17.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
17.50 ВЕСТИ-МОСКВА.

5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ".

1:00 Детективный канал "ФАВОРСКИЙ".
12:00 "СЕГОДНЯ".

20.50 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ".
21:00 "СЕГОДНЯ 22:00".

ЖУМА, 8

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8:00-8:35 "Абдорот".
8:35 ТВ-аниме.

18.10 "Отцы башни".
18.40 "Телебульвар".
19:00 "Знак студента намоини элани".

12.15 1001 мислалар.
12.35 "Учун аяк". 2-жақс.
12.55 Мусулман ҳақла.

Брефери театри.
17.30 "Табриклимай-кутаймай".
17.50, 20.35 "Экспресс" телеагента.

17:20 Хўжалик фильми "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
17:50 "Спорт клуб".

20.00 Времени.
20.25 Болшая премьера.
22:00 "Что? Где? Когда?".

19:55 Х/ф "Любовни".
22:10 Комедия "Сестра Бетти".

ШАНБА, 9

"Ўзбекистон" телеканалы TV I.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8:00-8:35 "Абдорот".

18.05 "Ўзбекистон дашбарлари".
18.30 "Интеллектуал ринг".
19.15 "Узлом".

Бедний фильм.
14.55 Киножақсаги тенгааним.
15.15 Интерфутбол.

7:30 "Хабарлар".
7:45 "Барам булин".
7:50 "Экспресс" телеагента.

5:00 Новости.
5:10 Серия "Десное королевство".

5:00 ВЕСТИ.
5:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
5:20 "Русское лето".

7:15 Мультифильм "НУ, ПОГОДИ!".
7:25 Детективный сериал "ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА ДВОЙНОЕ РАЗОБЛАЧЕНИЕ".

ЯКШАНБА, 10

"Ўзбекистон" телеканалы TV I.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8:00-8:35 "Абдорот".

21.15 "Ашхитик".
21.40 "Исповиба оқдонидла".
Бадний-муслиқий дам олинн дустри.

15.20 Ного.
16.00 Киножақсаги.
16.30 Чешини сирлари.

7:30 "Хабарлар".
7:45 "Барам булин".
7:50 "Экспресс" телеагента.

5:00 Новости.
5:10 Серия "Десное королевство".

5:00 ВЕСТИ.
5:10 ВЕСТИ-МОСКВА.
5:20 "Студия "Заревие".

5:25 Х/ф "ПОВЕСТЬ О НАСТОЯЩЕМ ЧЕЛОВЕКЕ".
7:00 "СЕГОДНЯ".

SOG'LIG'IM — BOYLIGIM

SPORT, SPORT, SPORT

Ўтган ҳафтада, яъни 24 март кунини дунё тиббиёт аҳли ҳар йилгидек силга қарши кураш кунини нишонлади.

1882 йилда германиялик бактериолог олим Роберт Кох Берлин физиологлари йиғилишида силни келтириб чиқарувчи омил — ушбу хасталикни сил таёқчаси (уни тиббиётда «Кох таёқчаси» деб аташди) келтириб чиқаришини биринчи марта хабар қилган эди. 1982 йил, 24 мартда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сил таёқчаси топилганининг юз йиллиги муносабати билан бу кунни Бутунжаҳон силга қарши курашиш кунини деб эълон қилди.

Ўпка силнинг кўриниши хилма-хилдир. У грипп, зотилжам, бронхит касаллигига ўхшаб ўтиши мумкин. Силнинг асосий белгиларидан бири йўталдир. Йўтал билан бирга беморда дармонсизлик, тез чарчаш, терлаш, озиш, кўкрак қафасида оғриқ, ҳар замонда ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади. Эсингизда бўлсин, уч ҳафта давом этаётган йўтал силнинг ягона белгиси бўлиши мумкин. Бу ҳолда бемор дарҳол

Соғлиқ учун масъуллик

Роберт Кох замонида ер юзидagi одамларнинг ҳар еттигасидан бирининг умрига завол бўлган сил касаллиги ҳозирги замонавий тиббиётнинг ҳам долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Бу касалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ундан ўсмирлар ва ёшлар, фарзанд кўрадиган ёшдаги аёллар кўпроқ азобланоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил ўлим хавфи юқори бўлган касалликлардан бири ҳисобланиб, кейинги йилларнинг ўзидаги ер юзида 300 млн. киши ушбу касалликка чалинган ҳамда 3 млн. одам сил туфайли дунёдан кўз юмган. Беморларнинг 80 фоизи 15-50 ёшлиларга тўғри келади.

Сил юқумли касаллик бўлиб, уни сил микобактерияси деб аталувчи микроблар тарқатади. Табиатда кенг тарқалган сил микобактерияси одамларни ҳамда ҳайвонларни касалантиради. Организмга кирган микобактериялар барча аъзоларга тарқалади ва уларда касаллик ўчоқларини келтириб чиқаради. Сил микроблари асосан ўпкада кўпроқ ривожланади.

Одам организмга кирган сил микобактериялари ҳамма вақт ҳам касаллик келтириб чиқаравермайди, чунки организмда касалликка қарши курашувчи куч — иммунитет бўлади. Бу куч микобактерияларнинг ривожланишини тўхтатади ва баъзи микробларни йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин. Борди-ю организмнинг имунитети кам бўлса, микобактериялар фаоллашади.

Тиббиёт тилида сил «Қашшоқлик касаллиги» ҳам дейилади. Бу ерда «қашшоқлик» деганда очлик ёки камбағаллик назарда тутилмаган. Гап шундаки, қаерда экологик ҳолат бузилган, тоза ичимлик суви танқис, оилада носоғлом турмуш тарзи, салбий ижтимоий омиллар мавжуд бўлса, айниқса, оила гигиенасига, шахсий гигиенга ҳамда овқатланиш тартибига риоя қилинмаса, бир сўз билан айтганда, тиббий-маданий савия паст бўлса, шу ҳудуд аҳолисида сил касаллиги кўп учрайди. Масалан, Африка мамлакатларида ушбу хасталик кўп тарқалган. Қиътада ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 300-400 нафар бемор борлиги кайд этилган. Европа ва Америкада эса бу кўрсаткич 20тадан кам. Бу



тиббиётда «сил йўқ ҳудуд» дейилади. Бирок дунёнинг тараққий этган давлатларида ҳам сил касаллиги учрамоқда. Бунга миграция жараёни сабаб бўлмоқда, яъни иш қидирувчилар сил таёқчаларини қитъалар оша ташиб юради.

Энди мамлакатимизда бу борадаги аҳволга тўхталадиган бўлсак, Марказий Осиё давлатлари ичида силга чалинган беморлар сони жиҳатидан энг паст кўрсаткич бизда қайд қилинган. Лекин бу хотиржам бўлишимизга асос бўлолмайди.

1998 йилдан буён республикамизда силга қарши курашда DOTS дастури қўлланилмоқда. Тожик шаҳрида 2004 йилдан бошлаб ушбу дастур бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. DOTS силга қарши дастур бўлиб, балғамни микроскопия усулида текшириб, касалликни аниқлаш, беморлар учун юқори самарали стандартланган даволаш тартиби ва дориларни назорат остида қабул қилишга асослангандир. Силга чалинган беморларга 4-5 турдаги дори ёрдамида 2-4 ой мобайнида уй шароитида ва ундан кейин 2-3 турдаги дорилар билан 4-7 ой давомида уй шароитида тиббий ҳодим кузатувида бепул даволаш ишлари амалга оширилади. Сил билан оғриган беморларнинг оила аъзоларига касалликни юқтириш эҳтимоли кўп бўлади. Шунинг учун силга қарши тадбирларнинг энг асосийси беморларни барвақт аниқлаш, атрофдагиларнинг беҳавотирлигини таъминлаш ва самарали даволашдир.

врачга мурожаат қилиб, рентген-флюорографик текширишдан ўттиши шарт. Касалликни ўз вақтида аниқлаб, тавсия қилинган даволаш тартибига қаттиқ риоя қилинса, уни бартараф этиш мумкин.

Сил хасталигининг олдини олишнинг муҳим ва самарали усули — баданини чиқитириш, организмнинг касалликларга қарши кураш қобилиятини оширишдан иборатдир. Бунинг учун аввало руҳиятимиз тетиклигини таъминлашимиз, имкон қадар қўлиб ҳолатлардан сакланишимиз, озодликка риоя қилиб, бадантарбия машқури билан шуғулланишимиз, сифатли ва тартибли овқатланишни ташкил қилишимиз лозим. Эрталаб 20-30 дақиқа деразаларни очиб, хоналарни шамоллатиб туриш, хоналарга қўёш нури тушишини таъминлаш даркор. Сил таёқчалари қўёшнинг ултрабинафша нурларидан дарҳол ноубуд бўлади.

Айниқса, спиртли ичимликлар ичмидан, чекиш ва бошқа зарарли одатлардан тийилишимиз керак. Чунки, буларнинг барчаси имунитетнинг пасайишига олиб келади.

Сил — юқумли касаллик, лекин у бедаво эмас. Вақтида олди олинса, бемор бундан бутунлай фориғ бўлиб кетиши мумкин. Муҳими, ҳар биримиз соғлиқ учун масъуллик ҳиссини юқори даражага кўтаришимиз, соғлиғимиз — бебаҳо ҳазинамиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Феруза ИНОГОМЖОНОВА,
Тожикт шахар Силга қарши диспансери шифокори

Уч ўйиндан бир очко

2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг иккинчи босқичи мамлакатимиз терма жамоаси учун омадсиз кечмоқда. Биринчи даврдан сўнг миллий терма жамоаси бор-йўғи бир очкога эга бўлиб турибди.

Аслида ҳаммаси Саудия Арабистонини терма жамоасига қарши ўтган биринчи тур учрашувидан бошланган эди. Тайёргарликнинг қониқарсизлиги ўшандаёқ панд берганди. Умуман, терма жамоамизга маҳкам ёпишиб олган эски касаллик йиллар ўтса ҳамки, уни тарк этгиси келмапти.

Ҳар сафар рақибларимизнинг кучсизлиги туфайли бир амаллаб саралашнинг иккинчи босқичига чиқиб оламиз, ҳал қилувчи босқичда эса муаммолар терма жамоамиз олдида қалашиб чиқаверади. Ҳар гал легионерлар ва маҳаллий футболчиларнинг майдонда бир-бирини яхши тушунамаслик масаласи кўтарилди ва бу ўз ечимини топмасдан қолиб кетаверади. Рақибларимизнинг навбатдаги беллашувларга қадар саноксиз ўртоқлик учрашувлари ўтказишганини эшитамиз ва бизнинг асосий таркиб муҳим учрашувга бир неча кун қолгандагина йилгиланидан хавотирга тушамиз... Хуллас, биз учун Жаҳон чемпионати эшикларини ётвучи муаммо даярли уч уринишдан буён бир хилигича қолиб келмоқда. Лекин бундан етарлича хулоса чиқарилмапти.

Саудия терма жамоаси биз билан баҳс олиб боришдан аввал Европанинг Туркия, Венгрия каби кучли жамоаларидан ташқари ўзини услуби ва шарт-шароитлари бизга яқин бўлган Тожикистон, Озарбайжон каби мамлакатлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Биз эса терма жамоамизнинг унчалик ҳам яхши спорт формасида бўлмаган Киевнинг «Динамо»чилари билан дуранг ўйнаганидан қониқиб хосил қилиб қолавердик.

Қувайтлик ва жанубий корейлик футболчилар ҳам иккинчи босқич олдида бир неча кучли терма жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Биринчи турда Корея термасига мағлубиятга учраган, гуруҳнинг энг «кучсиз» жамоаси саналаётган Қувайт термаси бизга қарши тайёргарлик кўришида Саудиянинг услубини қўллади. Биринчи ўртоқликда Финляндия терма жамоасидан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса-да, иккинчисида МДХ вакили, Европанинг манаман деган жамоаларига

мушқуллик туғдира оладиган Арманистон термасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бизнинг терма жамоа эса муҳим учрашувдан тўрт-беш кун олдин футболчиларни йиғди ва бир кун қолганда Қувайтга учиб кетди...

КУВАЙТ — ЎЗБЕКИСТОН — 2:1
Голлар: Башар Абдул Азиз (8, 62) — Гейрих (76).

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Саудия Арабистонини терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларини қабул қилди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — 2:0

Голлар: Харири (29), Ал Қоҳтани (73, пен.).

Миллий терма жамоамизнинг мағлубиятидан сўнг барча футбол мухлислари Жанубий Кореядаги ўйиндан умид қилишаётган эди. Афсуски, бу умидлар ҳам саробга айланди. Учрашувни телевидение орқали тўғридан-тўғри кузатган мухлислар яна футболчиларимиз биринчи бўлиб ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқганининг гувоҳи бўлишди. Ушбу зарбанинг таъсири кетиб улгурмасиданоқ иккинчи тўп дарвозамиз тўридан жой олди. Учрашувда аввалги ўйиндаги каби Александр Гейрихга бир жавоб тўпи киритиш насиб этди, ҳолос.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 2:1
Голлар: Ле Йонг Пё (54), Ле Донг Гук (62) — Гейрих (78).



Иккинчи учрашувда дуранг қайд этилди.

КУВАЙТ — САУДИЯ АРАБИСТОНИ — 0:0

Навбатдаги ўйинлар 3 июнда бўлиб ўтади. Демак, ҳали вақт ҳам, имконият ҳам бор. Бундан мутахассис ва футболчиларимиз унумли фойдаланишди, деган умиддамиз.

Лутфилло ТУРСУНОВ

«ЎЗИ-Қарши» мусобақа голиби

Қарши шаҳрининг марказий «Насаф» ўйингоҳида Қашқадарё вилояти алоқа корхоналари раҳбар ходимлари ўртасида жамоа кўпкураши ва мини-футбол мусобақалари ўтказилди.

Қизгин ўтган баҳсларда жамоа кўпкураши бўйича «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар «Қашқадарё Телеком» филиали ва ШМАТБ-8 жамоаларига насиб этди.

— Корхонамизда спортга катта эътибор қаратилаётгани туфайли яхши натижага эришдик, — дейди «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ директори Тирқаш Очиллов. — Келгуси мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Мини-футбол баҳслари ишқибозларнинг қўллаб-қувватлашлари остида кечди. Бу футболчиларнинг фаол ва чиройли ўйин кўрсатишига, ғалабага бўлган интилишларининг ортисига сабаб бўлди ва ҳар бир учрашув шиддатли кўриниш олди. Мусобақада «ЎЗИ-Қарши» филиали биринчи, «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ жамоаси иккинчи ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга Агентлиқнинг вилоят ҳудудий бошқармаси ва Қашқадарё алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитасининг турли даражали дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг ёши улуг қатнашчи», «Энг яхши ташкилотчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Баҳром МУРОДОВ,
жамоатчи мухбиримиз

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тожикт ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори Нельматилла Мўминовга акиси

Саъдулла МҲМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тожикт ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг «Алоқа линиялари» кафедраси катта ўқитувчиси Рустам Усмовага онаси

Ибодат МАҲҚАМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

1963 йилда Хайдар Мухаммадининг илк кўшиги — "Сўлим диёр" Ботир Зокиров ижросида Олтинчи жаҳон фестивалига тайёрланган кўшиқ сифатида радио орқали янграган. Шундан бери унинг атоқли хофизлар, халқ артистлари Коммуна Исмоилова ("Ватан жилоси"), Насиба Абдуллаева ("Самарқанд", "Севги бахори"), Таваккал Қодиров ("Ёнган дилмин"), Алижон Эркаев ("Дилбармисан"), Камолитдин Рахимов ("Лобар"), Ерқиной Хотамова ("Ёзган хатинг қўлимда") томонидан куйланган кўшиқлари мунтазам равишда эшитириб келинмоқда. Шунингдек, Х.Мухаммадининг кўплаб асарлари пойтахтимиз, вилоятлар ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг театрларида сахналаштирилган. Жумладан, Ўзбек Миллий Академик драма театрида "Жиноят устида ушлансин", "Сабъи сайёр" (Навойи достони асосида), "Сехри танбур", "Хотинлар гапи"дан чиққан хангома; Муқимий номидаги республика мусикали драма театрида "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Харким-ки вафо килса..." (Бобур ҳаётидан), "Кувёлар конкурси" (Р.Азизжўаев билан) каби асарлари кўп йиллар сахнадан тушмай ўйналган. Шу билан бирга, драматургининг сахна асарлари асосида "Темир эркак" бадиий фильми ишланган. "Жиноят устида ушлансин", "Хотинлар гапи"дан чиққан хангома" телеспектакллари кўп мартаба зангори экранда намойиш этилган.

Хайдар Мухаммад 1936 йил, 1 апрел куни Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумки, 1 апрел куни хамдир. Шу муносабат билан биз у кишини сўхбатга тордик:

— Сизнинг ўнлаб китобларингиз чоп этилган, 25га яқин асарларингиз сахналаштирилган. Кўшиқларингиз кўп йиллардан бери куйлиниб келинади. Сиз ўзингизни бахтли ёзувчи деб ҳисоблайсизми?

— Бу саволингизга йўқ деб жавоб бераман. Чунки, менимча, бахт тушунчаси ёзувчи учун абадийликдир. Лекин менинг асарларим пешонасида абадийлик борми-йўқми, билмайман. Буни камида 150 йиллик вақт кўрсатади.

— 150 йил яшаган ёзувчини эшитмаганман. Буни қандай тушуниш мумкин?

— Ҳамма гап шунда-да, қайси бир адибнинг асари 150 йилдан кейин элга керак бўлса, у ҳақиқий абадиятга юз тугган бахтли ёзувчи ҳисобланади. Нега деганда, ёзувчининг асарлари ёлғиз қолади. Уни бир вақтлар кўлаган тузумлар ҳам, хайбарқалла килиб кўтарган амалдорлар ҳам, баъзан зимдан қўлаб-қуватловчи эътиборли-пуддор қариндош-уруғлар ҳам, хатто жон котиувчи эгаси — муаллиф ҳам йўқ. Шундай чоғларда асарларим сахналаштирилса, шеврларим ўқилса, куйланса, мен ўзини бахтли ёзувчиман дея оламан.

— Комедиялар, ҳажвиялар, латифалар ва хангомалар ўзинингиз 1 апрел — кулги кунда туғилганингиз билан боғлиқ деб ўйлайсизми?

— Бундай деб ўйламайман. Балки, мунажжимлар билар. Агар ҳар 1 апрелда ҳажвчи-ёзувчилар туғилверса, яна қўлайиб кетган бўларди. Аса бир гап. 1 апрел кулги кунлиги белга асосан руслардан қариб келган. Уларнинг "Первый апрель — никому не верь!" (Биринчи апрел куни ҳеч кимга ишонма!) деган ҳазил сўзлари ҳам бор.

— Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Устозларим ҳақида гапиришдан олдин "Устоз — отангдан улуг" деган ҳикматли сўзга муносабат билимдонларимиз. Ҳозирда баъзи билимдонларимиз "Отадан улуг одам йўқ, шунинг учун бу мақол нотўғри" деб, "Устоз — отадай улуг" дея тахрир қилиб ёзишади. "Устоз — отангдан улуг" деган ҳикматли сўзининг фалсафаси шундан иборат экан-ки, ота фарзандига яшаш умрини берган бўлса, устозлар узок ва баъзан абадий инсониятга фойда келтирувчи маъ-

бия воситаси. Одамларнинг иллатлари устидан қилишади. Шунинг учун одамлар кулги бўлишдан андиша қилиб, ақл-заковати ишлатишиб, юриш-туришга эътибор бериб, жамият меъёридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилишади. Бефарқ, бефаросат, дунёни сув босса тўпигага чиқармайди одамларнинг андишаси, билими бўлмагани учун элга кулги бўлиб юрaverадилар, уларнинг уруғлари, фарзандлари исноддан бош эгиб қоладилар. Яна баъзи-

кўшиқлар концерти" берилмоқда, газеталарда мен ҳақимда мақолалар босилган, телевизорда кўрсатувлар намойиш қилинган, "Ипақ гиламлар" номли драмалар тўпаларим нашр этилган. Бундай ҳолатни ташкил қилиб бўлмайди. Ўзи тасодифан жам бўлиб қолар экан. Агар омад кетса ҳам тезда ҳамма нарса сочилиб кетаркан.

Омадинг келса гар ҳар сўзинг ҳикмат эрур,

Омадинг кетса гар ҳикматинг тўхмат эрур.

Хайдар МУҲАММАД:

"ОМАДИНГ КЕЛСА ГАР ҲАР СЎЗИНГ ҲИКМАТ ЭРУР..."

Меҳмонимиз — таниқли шоир ва драматург, ўнлаб кўшиқ ва қатор сахна асарлар муаллифи Хайдар МУҲАММАД.



Суратда: (чапдан ўнгга) Алижон Эркаев, Хайдар Мухаммад ва Мирзоҳид Мақсудов.

навият умрини берар экан. Шунинг учун халқимизнинг "Устоз — отангдан улуг" деган ҳикматли сўзига қўшилган ҳолда, азиз устозларим — Миртемир, Туроб Тула, Маъруф Қориев, дўстим Анвар Исроиловларни эслаб, барчаларининг охиратлари обод бўлишини тилайман.

— Кўшиқ нима ўзи?

— Кўшиқ — жон озиғи. Бугуннинг ҳам, эртанинг ҳам, келажакнинг ҳам кўнгили бўстониға гўзаллик бахш этувчи абадий гул. Ўзининг ёқимли ифори билан ҳаммиса димоларни чоғ қилаверади. Энди кўшиқчи бир бутун олиб қарасак, у кирмоқ — шевр, оҳанг ва овоз ўқинидан ҳосил бўладиган дил тўқинидир. Шунлардан шевр ва оҳанг доимий бўлиб, овоз фаслийдир. Шунинг учун яхши кўшиқлар ҳар йигирма йилда янги хофизлар овозида яна қайта дунёга кела бошлайди. Ва янги жанр қасб этади.

— Драма ёзиш осонми ёки комедия?

— Менимча, жанрнинг осони йўқ. Иқтидорли ва тажрибали драматургга, "калити"ни топса, иккалови ҳам осон. Масалан, Саид Аҳмад ҳамма жанрда ҳам қойил қилиб ёзади.

— Нима учун одамлар қулини яхши кўришади-ю, кулги бўлишни хошлашмайди? Ёки азиз бўлишни исташади-ю, лекин азиз қилишни ёқтиришмайди?

— Кулги, аввало, таъсири тар-

лар бўлар-бўлмасга ҳиринглаб қулаверадилар. Улар бемаъни кулги телбалик аломати эканлигини ҳаёлирига ҳам келтирмайдилар.

Энди кейинги саволингизга жавоб шулким, азизлик шохуспасига чиқишлик осон эмас. Кўп ва машаққатли меҳнат ҳамда иқтидорли оғир ижод билан бунга эришилади. Осон азизликка эришишни истаган учар одамлар ҳақиқий азизларни азиз қилишларини қуролмайдилар. Азизлик мақомига эришганларга ҳасад кўзи билан қараб, уларни пастқошлик, худбинлик тағби билан суриб ташлашга ҳаракат қилишади. Охириқабат эълари шармандаю шармисор бўладилар.

— Сиз омадга ишонасизми?

— Ҳа, ишонаман. Бир йили менга шундай омад келган, ўзим ҳайрон қолганман. Тошкентда, Алишер Навоий номидаги санъат саройида менинг асарим асосида яратилган "Темир эркак" фильмига одамлар эшиқларини синдириб қиришганлиги ҳақида газеталарда ёзишган. "Халқлар дўстлиги" саройида "Хотинлар гапи"дан чиққан хангома" асаримни томошабинлар 4200 ўринли жойини тўлдириб қуришган. Муқимий номидаги республика мусикали театрида "Кувёлар конкурси" аншлан бўлган. Радиода "Хайдар Мухаммад шеврлари билан айтиладиган

Хайдар акани туғилган куни билан табриклар, унга мустақам соғлиқ, ижодиға барака тилаймиз.

«Хабар»чилар.

XANDALAR

ЮРАК УЙНОФИ КАСАЛИ ҲАМ БОР...

Қарта ўйнаб, ютқазиб қўйган эр хотинига қатганди:

— Биласанми, бугун жуда омадинг келди. Йигирма икки мингга олган кўк костюминг бор эди-ку, ўшани ўттиз олти мингга ютқаздим.

— Айт-чи, сен нима учун менга турмушга қикдинг?

— Сенинг тўнкалигингни билмаган эдим.

— Ёлғон гапирма, билгансан!

Она бўлажак қуввини мактар, қизи эса эътироз билдирар эди:

— Мени тинч қўйсангиз-чи, ойи. Қўрмайсизми, мистер Браун кекса, қўримсиз, хунук одам. Унинг яғона ютуғи пули.

— Нега энди яғона ютуғи пули экан. Ахир, унинг юрак ўйноғи касали ҳам бор-ку.

— Жон, эшитишимга қараганда, сен қизингни неча йиллардан буён гап-лашмайдиган қўшингга бераётган эмиссан.

— Ҳа, ундан ўчимни олмақчиман.

— Қизимни мусикачи бўлишини жуда-жуда истардим. Лекин скрипка олиб бериб ҳам, ҳеч нарсага эриша олмадим.

— Менда ҳам шундай бўлди. Қайнотамга жомадон олиб бериб ҳам, ҳеч нарсага эришганим йўқ.

Эр булар хотиннинг жанжали авжига қикиб бораётган бир пайтда қўшни боласи эшикни тақиллатди.

— Кечирасиз, дадам бу қизикарли томоша нечанчи каналда берилётган экан, билиб қиккин, деди.

— Берк, филм айнан романнинг ўзгинаси экан-ку!

— Буни қаяқдан билдинг?

— Худди китобдаги воқеага келганда, яна ухлаб қолибман.

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Баш муҳаррир:

Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Илҳат АХМЕДОВ
(Баш муҳаррир ўринбосари)
Шомавсур ОБИДУЖАЕВ
Мироджа САНГИЛОВ
Дуфъило ТУРСУНОВ (масъула котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХУҲАЕВ
Асрор ЭШОНХУҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Тахририятта келган қўёма ва суратлар агарини қайтаришмайди.

Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашридан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилган шарт.

Тижорий материал — 0.

Реклама матиририрининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас.

Ҳақ ва фалсафаларинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир. Газетани таёйирлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Маъзилнингиз: 700060, Тошкент-60,

Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.

Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.

E-mail: orif@infonet.uz.

"Шарк" нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Маъзил: Тошкент шаҳри,

"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:

А.БЎРИЕВ.

358-G сонли буюртма.

Офсет усулида

босилди.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табоқ.

Адаби: 7615 нуска.

Матн терувчи:

Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақамда билан рўйхатга олинган.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга тоширилади — 20.00. Босишга тоширилган вақти — 20.00.